

ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ № 73

Наманган шаҳри

« 29 » « январь » 2022 й

ООО "HEALTH PHARM PHARMACY", кейинги ўринларда "Сотувчи" деб юритилади. Ўзининг низоми, асосида иш юритувчи директор Дадабоев И. номидан, бир томондан ва Сам. бил. Перенатал марказ кейинги ўринларда "Сотиб олувчи" деб юритилади, Ўзининг низоми, асосида иш юритувчи Халфоева Л.К номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар

1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Сотувчи ўзига тегишли бўлган товар(маҳсулот)ни ушбу спецификацияга асосан Сотиб олувчига ўз вақтида сифатли қилиб етказиб бериш, Сотиб олувчи эса товар(маҳсулот)ни қабул қилиш ва ушбу Шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.

№	Дори воситалари номи	У/Б	Сони	ККС	Нархи	Сумма
1	Витал вит К1 р-р для инъекций 1мг/0,5мл №10	Уп	20	ККС сиз	171 358,75	3 427 175,00
2	Гепарин-Индар р-р д/ин. 5000 МЕ/мл 5мл №5	Уп	10	ККС сиз	219 375,00	2 193 750,00
3	Цефтриаксон 1г.№1	Уп	2530	ККС сиз	4 222,50	10 682 925,00
4	Натрия хлорид 0,9% 250мл№1	Уп	300	ККС сиз	3 500,00	1 050 000,00
5	Глюкоза 10% р-р.инф. 250мл№1	Уп	200	ККС сиз	3 221,25	644 250,00
Жами: 17 998 100,00 (ун етти миллион туккиз юз туксон саккиз минг юз сум) 00 тийин						

2. ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР ШАРТЛАРИ

2.1. "Буюртмачи" мазкур шартномани газначилик бошқармасида рўйхатга олинган кундан бошлаб 10 календар иш куни ичида қонунчиликка мувофиқ, шартнома умумий суммасидан 30 % миқдориди (шартнома суммасидан миқдориди) олдиндан тўлаш мажбуриятини олади, қолган 70 % ни товарни олгандан сўнг 30 календар иш куни ичида қабул қилиш-топшириш далолатномаси, ҳисоб-фактура ва в.б. асосида тўлайди.

2.2. "Етказиб берувчи" аванс маблағлари Етказиб берувчининг тегишли ҳисобварағига келиб тушган вақтдан бошлаб 3 банк иш куни ичида товарни етказиб бериш мажбуриятини олади.

2.3. "Етказиб берувчи" амалдаги ГОСТ га мувофиқ товарни етказиб бериши шарт.

2.4. "Буюртмачи" товарларни қабул қилишда "Етказиб берувчи" иштирокида олинаётган товарларнинг тўлиқлигини ва сифатини шартноманинг 1.1-бандида кўрсатилган товарларга мувофиқлигини текшириши шарт.

2.5. Агар мазкур шартнома билан бошқа ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, товарларни ташиш ва тушириш бўйича барча харажатлар Етказиб берувчи ҳисобидан амалга оширилади.

2.6. Буюртмачининг розилигига кўра товар муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин.

2.7. Етказиб берилган товар бевосита Буюртмачининг масъул ходимлари томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади ва унда етказиб берилган товарларнинг миқдори, унинг сифати кўрсатилади.

2.8. Мазкур шартномада кўзда тутилган товарларни

и етказиб бериш, мазкур шартномага мувофиқ амалга оширилади.

3. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Буюртмачининг ҳуқуқлари:

Етказиб берувчидан шартномани бажариш учун зарур бўлган давлат стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

Буюртмачи ҳисобидан товарлар ташиб келтирилганда, Етказиб берувчидан транспорт харажатларини қоплаб беришни талаб қилиш, агар мазкур шартноманинг шартларида бошқа ҳоллар белгиланмаган бўлса;

Етказиб берувчидан мазкур шартномага мувофиқ, тегишли сифат, ассортимент бўйича товарларни етказиб беришни талаб қилиш;

Сифатсиз товар етказиб берилганда ўз ихтиёрига кўра қуйидагилардан бирини талаб қилиш:

- тегишли сифатдаги шунга ўхшаш товар билан алмаштириб бериш;

- камчиликларни беғараз бартарф этиш;

- Етказиб берувчидан мазкур шартнома шартларини бажармаганлиги ёки тегишли даражада бажармаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплаб беришни талаб қилиш.